

## ИМТИЁЗГА ЯРАША РАҒБАТ



3  
**ҚАХРАМОН  
МУАЛЛИМА**

4  
Манзураҳон МАДДАЛИЕВА  
сийратига айрим чизгилар



5  
**ОШ ТУЗИ  
ЁРЛИҒИНИ  
ЎҚИЙСИЗМИ?**

## КЎНГИЛ ҲАЛОВАТИ



## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Назира БОЙМУРОДОВА  
сурат-лавҳаси.

## Қариси бор уйнинг париси бор.



### “ОБУНЯ – 2014” “Оила ва жамият”

газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий абзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!  
Унутманг, сеvim.ли газетангизга обуна давом этмоқда.

Индекс — 176



### ҲИКМАТ

Ўз қўлинг билан адо эта олмаган яхшиликни бошқанинг қўли билан ҳеч қачон қилолмайсан.

Ваҳб ибн МУНАББАҲ

# ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

**Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида бир-биридан чиройли ва обод маҳаллар кўп. Бу масканларда аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни во-яга етказиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.**

— Боланинг соғлом дунёга келиши, аввало, оналар саломатлиги билан боғлиқ, — дейди Оққўрғон шаҳарчасидаги “Жағалбайли” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хусния Халилова. — Маҳалламизда туғиш ва ундан катта ёшдаги барча аёлларнинг саломатлигини асраб-авайлашда кўп тармоқли поликлиникамизнинг малакали шифокорлари билан ҳамкорликда қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Тумандаги шундай масканлардан яна бири – С.Сегизбоев номли маҳаллада аҳолини иш билан таъминлаш, шу орқали турмуш шароитларини янада яхшилашга қаратилган ишлар ҳам эътиборга молик.

— Аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллий тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Шоира Дадабоева. — Кейинги йилларда ёш тадбиркорлар сони ортаётгани қувонарлидир. Тадбиркорлик қобилиятини намоён қилаётган ёшларимиз иш ўринлари яратишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Шоҳрехона Анварова қўли гул пазанда, у яқинда ўз хонадонига оилавий қандолатчиликни йўлга қўйди. Бу ташаббус туфайли маҳалламизда олти нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Худудимиздаги икки ярим мингдан зиёд аҳолининг бир ярим минг нафарга яқини аёллардир. Уларнинг иш билан бандлигига эътибор қаратиш, коллеж битирувчиларини юнармандчиликка жалб этиш юзасидан ҳам бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Айни пайтда 20 нафардан зиёд қиз маҳалламизда фаолият юритаётган хунармандларга шогирд тушган.

— “Бирлик” маҳалласи ҳам тумандаги энг намунали масканлардан бири, — дейди шу маҳалла маслаҳатчиси Каримахон Умарова. — Маҳалла-

мизда ўз касбининг мохир усталари, фидойи инсонлар ёшларга ибрат кўрсатишмоқда. Умида опа Абекова ногирон бўлишига қарамай, тўқувчиликнинг 20 дан ортиқ усулини ўзлаштирган ва шу хунари орқали хонадонига ризк, барака



олиб қиряпти. У яқинда “Йил аёли” кўрик-танловининг вилоят босқичига йўлланма олди. Бу саҳийқалб инсон туманимиздаги 78-сонли Меҳрибонлик уйидан ҳам ўз ёрдамини аямаяди. Соғлиги туфайли анча заҳмат чеккан бу аёлни мустаҳкам иродаси, маҳалланинг меҳр-оқибати оёққа турғазди, десак, муболага бўлмайди. Эндилликда бу файзли хонадондан тўқувчиликни ўрганиш истагидаги қизларнинг қадами узилмайди.

Коллеж талабаси Аддибахон Холтўраева спортнинг кикбоксинг ва каратэ тури билан шуғулланади. Уч қарра Ўзбекистон чемпиони бўлган Аддиба Президентимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли юксак марраларни забт этмоқда.

— Вояга етмаганлар билан ишлашининг ўзига яраша қийинчиликлари бор, — дейди тумандаги “Мустақиллик” маҳалласи маслаҳатчиси Кутбинисо Мўминова. — Яқинда 6- ва 49-сонли мактабларда “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш” мавзусида маҳаллалар билан ҳамкорликда тарғибот тадбири ўтказдик. Унда профилактика нозирларимиз, психологлар, ота-оналар ва ёшлар иштирок

этишди. Айниқса, маҳалламиз ёшларининг салбий оқибатларни келтириб чиқарувчи турли омиллар ва уларга қарши курашиш мавзусида тайёрлаган саҳна чиқишлари барчанинг эътиборини тортди.

Худудимиз кўп қаватли уйлардан иборат. Турли миллат вакиллари тинч-тотув истиқомат қилади. Аёллар ўртасида жиноятчилик содир этилишининг олдини олиш мақсадида зиёли ва фаол кишилардан танланган вакиллар маҳалламизда маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказишмоқда.

— Жамоатчилик билан бамаслаҳат тўй-ҳашамларимиздаги ортиқча чиқимларни қисқартиришга эришдик, — дейди С.Раҳимов номли маҳалла маслаҳатчиси Мухайёхон Бобоева. — Қизларни эрта турмушга узатиш, шу ҳолат билан боғлиқ шаръий никоҳларнинг олди олинмоқда. Шунингдек, аҳолини доимий иш билан таъминлаш борасида зарур тадбирлар йўлга қўйилаяпти, ишсизларни иш билан таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Маҳалламиздаги хотин-қизлар билан фермер хўжаликлари ўртасида тузилган ўзаро шартнома асосида мавсумий иш билан таъминлаш имкониятидан ҳам фойдаланилмоқда.

Қувонарлиси, Оққўрғон тумани хотин-қизлар кўмитаси маҳаллалар билан ҳамкорликда аёллар бандлигини ошириш учун кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банкларидан 10 нафардан ортиқ аёлларга кредитлар ажратилган. Тумандаги “Хунарманд” уюшмаси фаолияти кундан-кунга ривожланишмоқда. Мактабларда ташкил этилган “Ораста қизлар” тўғарақларида маънавий-маърифий ишлар билан бирга 48 турдаги хунарлар ўргатилмоқда. Айни кунларда маҳаллаларда давом этаётган сайлов жараёнларида қатнашаётган номзодлар орасида илгор аёлларнинг ҳам борлиги уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ортиб бораётганлигининг яққол исботидир.

**Нигора УРОЛОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Тошкент вилояти.

**Жараён**

## ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Ҳар бир ота-она, энг аввало, ўз оиласида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга масъулдир. Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Шу ўринда ўз фарзандларини билимли, маънавий ва эл қорига камарбаста этиб тарбиялашдек масъулиятли вазифани бажариш ҳар бир ота-она зиммасига ўзига хос мажбуриятларни юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурдирлар”, деб белгилаб қўйилган. Оила мустаҳкамлиги, тинч-тотувлиги фарзандлар ва ота-оналарнинг бир-бирига меҳр-оқибатли бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Болалигидан яхши тарбия олган ёшлар ота-онаси кексайганида уларга ҳурмат-иззат кўрсатади. Авлодлар ўртасидаги бундай оқибат ришталари узлуксиз давом этаверади.

Бош Қомусимизнинг 66-моддасида “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”, дейилган. Дарҳақиқат, куш уясида кўрганини қилади, деганларидек, соғлом муҳит ҳукмрон бўлган оилада вояга етган фарзанд камолотга етган, ота-онасини қаровсиз ташлаб қўймайди. Бу аъёна, айниқса, бизнинг халқимиз қон-қонига сингиб кетганлиги билан аҳамиятлидир. Афсуски, баъзан ораимизда ота-онасига боқиманда бўлиб яшаётган ёки уларни кексайганида хор қилаётганлар ҳам учраб туради. Бу эса уларга болалигидан меҳр-оқибат тушунчаси яхши сингдирилмаганини кўрсатади. Демак, нима эксанг, шунга ўрасан, деган ўзбекона нақлга амал қиладиган бўлсак, ҳар бир фарзандга, аввало, миллий руҳда таълим-тарбия бериш муҳим омил эканлиги неча асрлар давомида исботланган оддий ҳақиқатдир.

**Хуснида НАБИЕВА,**  
Чортоқ туман ФХДЭ бўлими мудир.

## ТИББИЙ МАДАНИЯТ МЕЗОНИ

Соғлом фарзандларни дунёга келтириш, туғма ногиронлиқнинг олдини олиш учун, энг аввало, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Оила қуришга ҳозирланаётган ёшларни тиббий кўриқдан ўтиши қанчалик муҳим масала эканини бугун ҳаётий тажрибалар кўрсатиб турибди. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳдан дунёга келган гўдақнинг носоғлом экани оиланинг барбод бўлишига олиб келмоқда. Натижада қариндошчилар ришталари узилмоқда. Бундай аянчли воқеалардан бошқалар ўзига тегишли хулосани чиқариб олиш вақти етди.

Юқоридаги каби нохушликларга чек қўйиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси, хотин-қизлар кўмитаси, маҳалла фаоллари ҳамда коллежлар маъмурияти ҳамкорликда ҳар ойда икки мартаба тиббий маданият мавзусига оид “Оила дорилфунуни” ўқув-машғулот мунтазам ўтказиб келинмоқда. Никоҳланувчилар шифокор, рўхшунос, қолаверса, диний уламолар суҳбатидан ўтказиляпти.

Ушбу тадбирларни уюштиришдан кўзланган асосий мақсад, аввало, ёшларимизга никоҳнинг муқаддаслигини англашти билан бир қаторда, жамоатчилик орасида оилани асраб-авайлаш энг муҳим омил эканлигини тарғиб этишдир. Оддий мисол, тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтиб, бир-бирини обдан синаб яшаётган ёшларнинг деярли барчаси бугунги кунда тинч-тотув яшаб келмоқда.

**Раъно РАСУЛОВА,**  
Пискент туман ФХДЭ бўлими инспектори.

## ДИҚҚАТ, “ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ”!

**Ҳурматли ҳамюртлар!**  
Маълумки, куз-қиш мавсуми бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бирмунча ортиб бориши билан ёнғин хавфининг ҳам кескин ошишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан, жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрига қадар республика миқёси-

да “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” ўтказилади.

Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим

давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда, таъкид-

лаймизки, бу даврда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бош**  
**бошқармаси.**

**Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан пойтахтимизда Конституциямиз қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишлаб “Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш — доимий эътиборда” мавзусида анжуман ўтказилди.**

Хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизлар кўмитаси ва унинг барча бўғинлари олдида турган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, мазкур тизимни давлат

жойларда хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлашга доир дастурлар амалиётга йўналтирилган, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 371,5 мингта янги иш ўринлари яратилди.

## МЕҲР ВА МУҲАББАТ ТИМСОЛИ

ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида ташкил этилган мазкур анжуманда парламент аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раислари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаоллари, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, аёлнинг ижтимоий ҳаётида мавқеини мустаҳкамлаш, оила институтини ривожлантиришда яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асослар амалиётга изчил таъбиқ этилаётгани, аёлларимиз ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида ўз ташаббускорлиги ва иқтидорларини намоён этаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Мустақил юртимизда тadbиркор аёллар сони ортаётгани эътиборга молик. Ўтган даврда тижорат банклари томонидан тadbиркор аёлларга ажратилган микрокредитлар 499,5 миллиард сўмни ташкил этди. Шу билан бирга

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг барча бўғинлари бу муҳим йўналишда ўз олдида турган улкан вазифаларни бажаришда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, мутахассис олимлар билан ҳамкор ва ҳамжихатликда изчил иш олиб бормоқда. Шу билан бирга, бундай ҳамкорликни янада кучайтириш, айниқса, тизимнинг бошланғич ташкилотлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, баркамол авлодни жисмонан ва маънан етук қилиб вояга етказишда оила ва маҳалланинг ролини ошириш ҳаётини аҳамият касб этади. Йиғилганлар ёшлар онги ва қалбида миллий қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини шакллантириш муҳим жиҳат эканини ҳам қайд этдилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова сўзга чиқди.

**Дилором МАТКАРИМОВА.**  
**Суратни Фаррух АҲМЕДОВ олган.**

## ИМТИЁЗГА ЯРАША РАҒБАТ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси «Тadbиркор аёл» ишбилармон аёллар ушмаси, Савдо-саноат палатаси ва «Микрокредитбанк» ОАТБ ҳамкорлигида «Тadbиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» республика босқичи гойибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча худудларида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган иш режасига мувофиқ аёлларни тadbиркорликка кенг жалб этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловнинг куйи босқичларида минг нафардан ортиқ тadbиркор аёллар ўз лойиҳалари билан иштирок этдилар.

«Тadbиркор аёлнинг энг яхши лойиҳаси» танловининг республика босқичида халқимизнинг фаровон ҳаёти, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига, мулкдор аёллар сафини кенгайтириш, кичик бизнес ҳамда оилавий тadbиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, аёлларимизнинг оғирини ен-

гил қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар ривожига ҳисса қўшаётган тadbиркор аёлларимиз ўзларининг ҳаётини ва халқчил лойиҳалари учун диплом ва совғалар ҳамда сертификатлар билан тақдирландилар. Танловда андижонлик Одинахон Саидованинг геология фани бўйича

ги энг яхши лойиҳа» йўналиши бўйича ғолиб бўлди.

— Ушбу тadbирда бизнинг туманимиздан Мубораххон Мақсадова ўз лойиҳаси билан иштирок этди, — дейди **Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Роза Машарипова.** — Бу жонқуяр аёл жисмоний жиҳатдан имконияти чекланган бўлишига қарамай, туман ҳокимлиги ҳамда Микрокредитбанк кўмагида ўн донна тикув машиналари сотиб олиб, касбхона коллежини битирган қизларни иш билан таъминлади. Бугунги кунда Мубораххоннинг кўли гул шогирд қизлари томонидан тикилган кийим-кечак маҳсулотларига қўшни туманларда ҳам талаб ортиб бормоқда.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА,**  
**“Оила ва жамият” мухбири.**  
**Суратни Машраб НУРИНБОЕВ олган.**



2013 йил — Обод турмуш йили

## ЧИРОҒИ ЁНИК ХОНАДОН

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги “Шофайз” маҳалласига қарашли Улфат кўчасида яшовчи Кимёхон ая ва Ҳабибулло ота Абдуқодиоровлар оиласи ҳақида сўз кетса, кўпчилик ҳавас билан ана шундай таъриф беради. Саксон ёш остонасида турган бу икки табаррук инсоннинг турмуш қурганига 55 йил тўлди. Ўтган қувончли ва ташвишли йиллар уларнинг умр дафтарида қандай унутилмас ҳикояларни ёзиб қолдирди экан, деган саволга жавоб излаб борганимизда, Ҳабибулло ота ҳовли четидаги мўъжазгина боғда пишиб ётган анорларни териб, саватларга жойлаётган экан.

— Бу анорларни экканимга ўн бир йилдан ошди, — дейди ота ҳар бири сал кам дўппидек келадиган меваларга ишора қилиб. — Беш йил уларни худди гўдакка қарагандек парвариш қилдим. Ёз чилласида иссиқдан, қишда совуқдан асрадим. Олтинчи йилдан бошлаб мевага кирди. Ҳар йил кузда невараларим ўз қўллари билан узиб ейишади. Нафақага чиққач, деҳқончилик билан шугулландим.

Сочлари қордек оппоқ, юзларини кексалик ажинлари қопласа-да, отанинг ҳамон қадди тик, руҳи тетиклигини, қаққон-қаққон ҳаракат қилаётганини кўриб, ҳавасимиз келди.

Кимёхон ая Микробиология, вирусология, эпидемиология, юкуми касалликлар илмий-тадқиқот шифохонасида бўлим бошлиғи вазифасида меҳнат қилди. Ҳабибулло ота 41 йил Тошкент Тиббиёт академияси (собиқ ТоШМИ)да талабаларга сабоқ берди. Тиббиёт фанлари номзоди, доцент унвонига эришди. Шогирдлари ўртасида талабчан устоз деган номни олди.

— Менинг лугат дафтаримда ишга кеч қолиб бориш деган нарса умуман бўлмаган, — дейди Абдуқодир ота ўтган кунларни хотирлаб. — Ҳар доим институтга дарс бошланишидан ярим соат олдин бориб, талабаларни кутиб олардим. Ус-тоз, энг аввало, ёшларга ўзи ибрат бўлиши керак, деган фикрга амал қилдим. Шу боис оддий ўқитувчилардан кафедра мудирини даражасига кўтарилдим. Шогирдларим орасидан Илҳом Қосимов, Абдувосит Валиев каби профессорлар, Ҳамидулло Мағзумовдек тиббиёт фанлари номзодлари етишиб чиқди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Билими етарли бўлмаган табибдан жаллод афзал”, деган ҳикматли сўзларини катта-катта ҳарфлар билан ёзиб, маъруза ўқийдиган хонамдаги досканинг тепасига осиб қўйган эдим. Ҳар доим дарсни ана шу жумлаларни такрорлаш билан бошлардим.

— Институтда ўқиб юрган кезларимиз устозларимиз беморни текширишдан олдин у билан яхшилаб суҳбатлашинг. Бу сиз учун касаллик ҳақида маълумот тўплашда қўл келади, дейишарди, — дея суҳбатга қўшилди Кимёхон ая. — Тиббиётда техниканинг яхши ривожлангани баъзи касалликларни аниқлашда жуда қўл келади. Аммо айрим шифокорларга учрашсангиз дарров турли хил аппаратлардан текширувдан ўтишни тавсия қилади. Малакали шифокор, халқона ибора билан айтганда, ранг кўр, ҳол сўр деганларидек, энг аввало, беморнинг аҳволига қараб ҳам касаллиқни аниқлай олади.

1953 йилда институтга қабул қилинган кунда учрашиб, бир-бирларига меҳри тўшган бу икки инсон диплом олгандан кейин оила қуришга келишиб олишди. Диплом олган кунлари уларнинг тўйлари бўлиб ўтди. Тажриба ошириш мақсадида келин-куёв Ҳабибулло аканинг ота юрти Марғилонга ишга юборилди. У ерда икки фарзандли бўлгач, пойтахтга қайтишди.

Бу фазли хонадонда кечадиган суҳбатлар мавзуси кимнингдир дабдабали тўй қилгани ёки янги русумдаги машина сотиб олгани ҳақида эмас, яратилган янги дорилар, илмий изланишлар, беморларга қўйилдиган ташхислар хусусида бўлади. Муҳокамалар, кизгин баҳс-мунозаралардан фарзандлар ҳам четда қолмайди.

— Қизларимиздан Мамлакатхон бизнинг соҳамизни эгаллаган бўлса, Лола билан Нодира эса иқтисодчи, ўғлимиз Алишер техника фанлари номзоди. Невара қизларим Малика, Наргиза, Нозималар ҳам насиб этса, тиббиётчи бўлишмоқчи, — дейди фахр билан Ҳабибулло ота.

Ўтаётган ҳар бир кундан ҳикмат излаб, бугунги дорилар билан кунларга шукрона айтиб яшаётган бу икки инсоннинг умр дафтарида сизу биз учун ибрат бўлгулик ҳаёт сабоқлари бир дунё.

**Нигора РАҲМОНОВА,**  
**“Оила ва жамият” мухбири.**  
**Суратни Назира БОЙМУРДОВА олган.**



Манзураҳон Мадалиева Кўкон шахрида тугилган.

Кўкон давлат педагогика институтининг математика факультетини имтиёзли диплом билан битирган. А.Чархий номидаги 10-умумий ўрта таълим мактабида 30 йилдан зиёд математика ҳамда информатика фанларидан дарс берган. Тажрибаси ва ижодий изланишлари асосида "Сахнада математика" номли қўлланмаси нашр этилган. 1997 йили Президентимиз Фармонига биноан "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонига сазовор бўлган. Оилали, уч нафар фарзанди, етти невараси бор.

— Манзураҳон опа, вақтни тутиб бўлмайди, дейишади. Инсон умри эса мазмунли кунлар билан зийнатли. Бунга эришиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Мен фахру ифтихор билан айта оламани, мустақил Ўзбекистонимизнинг энг бахтли муаллималаридан бириман. Ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли касбим туфайли юртимда ҳурмат, эътибор топдим.

Ёшларга таълим бериш борасидаги изланишларим, захматларим бесамар кетмагани, оддий бир муаллиманинг шу қадар юксак шарафга муносиб кўрилганининг ўзи мамлакатимизда таълим тизимига қанчалар эътибор берилганининг ифодасидир. Бугун шогирдларим юртимиз равнақи йўлида иштиёқ билан меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ютуқларини кўрганимда бир меҳнатимга минг роҳат қайтгандек қувонаман. Менимча, Ватан равнақи учун жонкуярлик ва фидойилик билан қилинган меҳнатгина инсон умрига мазмун бахш этади.

— Тарбия ота-онамиздан бизга қоладиган энг катта мерос эканлиги оддий ҳақиқат. Шундай экан, сиз тугилиб вояга етган оиладаги муҳит кўпчиликини қизиқтириши табиий...

— Отам Абдуллажон Мадалиев оддий ишчи бўлса ҳам маърифатли, руҳан кучли шахс эди. Маҳалланинг барча қувончли-ташвишли кунларида бош-қош бўларди. Онам Саодатхон ая кўли гул чевар эди. Улар оқиллик билан барчамизни меҳнатга, саришталик ва камтарликка ўргатган. Маҳалладошларимиз бизнинг хонадондан сира қаттиқ-қуруқ овоз ташқарига чиқмаганлигини ҳавасланиб гапиришарди. Дадам эса истаган пайтида кийимларимизни келтириб, чўнтақларини ағдариб кўрсатишимизни талаб қиларди. Биз ўзимиз билан олиб юрган ҳар бир нарсага изоҳ берардик. Истаган пайтида мактабимизга кириб бориб, ўқитувчимиздан ҳулқимизни суриштириб қоларди. Отанимизнинг кутилмаган сўроқлари бизни ҳамиша хушёр яшашга, ҳар бир ҳаракатимиз учун жавоб беришга, улар кўрсатган тўғри йўлдан оғишмай юришга ўргатганини, ниҳоят, йиллар ўтиб тушундик.

Ҳар иккиси ҳам мутолаага ўқ эди. Айниқса, онам ҳазрат Навоий бобомиз асарларини севиб ўқирди. Кўплаб газета ва журналларга обун бўлишарди. Илмга меҳр

## ҚАҲРАМОН МУАЛЛИМА

МАНЗУРАҲОН МАДАЛИЕВА  
СИЙРАТИГА АЙРИМ ЧИЗГЛАР

кўйганимни, ўқишни давом эттириш истагида эканимни эшитганида онам чин дилдан қувонган эди. Лекин, барибир, оиламизда ҳал қилувчи сўзни ҳамиша отам айтарди. У киши менга: "Майли, ўқи, фақат ибод ва ҳаёни ўқидан ҳам устун кўйсанггина руҳсат бераман!" деб насиҳат қилганлар. Отамнинг ана шу насиҳатлари менга бир умр ҳамроҳ бўлди. Ҳар қадамда падаримнинг тийрак нигоҳини ҳис этиб яшадим, берган ўғитлари машъаладек йўлимни ёритиб турди. Шундай ота-онага фарзанд бўлганим учун шуқурларим адоқсиз...

Ўқувчиларимга, айниқса, қизларга ўз ҳаётимни мисол қилиб кўп гапираман, ўзбек қизи учун шарм-ҳаё нақадар муҳимлигини уқтираман. Кўз тегмасин, аксарияти ақлли-хушли бўлишди. Эндilikда ўз хонадонларига нур бериб яшашпти.

— Бугун кўпчилик ҳам-касбларингиз сизга ҳавас қилишади. "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвонга эришиш учун, албатта, ёшлиқда олинган билим пойдевори ҳам мустаҳкам бўлиши керак-да?

— Биринчи курсда ўқиган пайтларим институтда ташкил этилган бадий кечада мен бошловчиллик қилгандим. Ўша куну уч томонлама шодиёна эди: сессияни муваффақиятли тугатган, бир нечта курсдошларимизнинг тугилган кунини ва байрам тадбирини ўтказаятгандик. Шу муносабат билан кириш сўзини айтаяётганимда: "Бугун қувончимизнинг квадрати эмас, кубини нишонлаймиз", дедим. Бу гапни эшитиб, қувонган институтнинг ўша кезлардаги ректори Иномжон Расулов: "Қизим, сенга ҳам стипендиянинг кубини тўлай-



миз", деб қарсақ чалиб юборган. Дарҳақиқат, доим аъло баҳога ўқидим, рағбат кўрдим. Ишга ижодий ёндашув, аниқ фанни адабиёт билан уйғунлаштириш истаги менда ўшандан бошланган.

— Бугуннинг ёшлари жуда изланувчан ва тийрак. Ўқитувчилардан эса пухта билим ва маҳорат талаб этилиши сир эмас. Берилаётган сабоқ ўқувчинини зериктирмаслиги учун қандай йўл тутиш керак?

— Дарсда фақат ёмон ўқувчиларгина зерикади, деганлар хато ўйлайди. Ҳар сафар бир хил услубда сабоқ берилиши, аълочиларнинг ҳам меъдасига тегиши мумкин. Ўз тажрибам мисолида гапирадиган бўлсам, биринчи дарсимданок ўқиган асарларимдан фойдаланиб, алломалар ҳаётида математика қанчалик аҳамиятга эга бўлгани ҳақида мисоллар келтиришим. Мени ҳорғин нигоҳлари билан қутиб олган болалар дарс тугаганидан кейин ҳам атрофимдан кетмай саволлар беришарди. Ҳар бир ўқитувчининг дарс ўтишда ўз услуби бўлиши керак. Бусиз ўқувчилар эътиборини тортиш мумкин эмас.

Мен математика, саҳна санъати ва адабиётни уйғунлаштира олдим. Турли кеча-

## Гурунг

лар ташкил этдим. Тўғрақларда ҳар бир машғулот учун янги-янги саҳна кўринишлари, ўйинлар ўйлаб топишимга тўғри келарди. Фанга оид шеърлар ёзардим. Болалар жон қулоғи билан тинглаб, математикани осон ўзлаштирадиган дастур яратдим. "Саҳнада математика" номли синфдан ташқари ишлар бўйича қўлланма китобим ушбу меҳнатларим маҳсули эди. Ундан бир йиллик тўғрақ машғулотлари дастури, 30 та тўғрақ машғулотининг тўлиқ матни, шунингдек, барча алломаларимиз ҳаётига оид ноёб маълумотлар ўрин олган. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида мазкур қўлланма кенгайтирилган тарзда қайта нашр қилинди.

Айтмоқчиманки, ўқитувчининг асосий вазифаси болани фанга қизиқтира билишдир. Бунинг учун, аввало, муаллимнинг ўзи кўп ўқиган бўлиши керак.

— Бугун ибратли бир хонадоннинг сунъичиги, катта маҳалланинг жонкуяр кайвониларидансиз. Оилада кўнгил хотиржамлигига эришиш учун нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Турмуш ўртоғим Баҳромжон ака минг қатла шукр-ки, менинг бир умрлик мададорим, ишонган тоғим. Қандай ютуқ, муваффақиятга эришган бўлсам, шу инсоннинг қўллаб-қувватлаши, барикенглиги ва олижаноблиги туфайлидир. Уч фарзандни тарбиялаб элга қўшдик. Абдурахим, Дилоромжон, Дилфузахон ҳаётда ўз йўли ва ўрнини топишди. Камтар, одми ҳаёт кечирган бўлсак-да, турмуш ўртоғим билан мустаҳкам оила қасрини қурдик.

Ёшларга насиҳатим шуки, энг аввало, оилага меҳр ва муҳаббат бериш керак. Ўсимлик сувсиз яшай олмаганидек, оила ҳам меҳрсиз барбод бўлади.

Кўкон шахрида тенг-тўш аёллар билан йигинимиз бор. Ўқитувчилик қон-қонимга сингиб кетган бўлса керак, шу ерда ҳам даврадошларимни маърифатга қорлайман. Йигинларимиз маърифий суҳбатларга айланиб кетди.

Нафақага чиққанимдан бери онамдан қолган оддий чок машинасини тиндирайман. Қийим ва лаҳтақлардан чойнакка ёпқич, қозон тутқич каби рўзғорбоп миллий маҳсулотларни тикиб, одамларга улашаман. Барча рўшноликларни меҳнатдан топдим, шу боис ундан бир нафас айро тушмайман.

Юртдошларимга тилагим — ҳалол меҳнатдан ризқ топинг, элга манзур бўласиз. Ҳар бир ишга ижодий ёндашишга интилинг. Маънавиятли фарзандлар тарбиялаб, солиҳ зурриёдларнинг роҳатини кўриш барчамизга насиб этсин!

"Оила ва жамият" муҳбири  
Гулчеҳра АСРОНОВА  
суҳбатлашди.



**НАРХ-НАВО** — нарса-нинг пул билан ўлчанадиган қиймати "нарх" сўзи билан ифодаланишини яхши биламиз. У ҳолда "нарх" сўзига қўшилиб келаётган "наво" сўзи қандай мазмунни англа-тади? "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, бу ўрин-да "наво" сўзи "турмуш кечириш учун зарур шарт-шароит" маъносини билдиради. Демак, "нарх-наво" оти "турмуш кечириш учун зарур нарсаларнинг қиймати, нархи" мазмунини англатади.

**Қайга борсанг, гап об-ҳаво билан нарх-наводан бўлади.**

Журналдан

**ПАНЖАРА** — "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "панжара" сўзи "беш бармоқ" мазмунидаги "панжа" ва "йўл" маъносидеги "роҳ" сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, у "панжа шаклида ясалган тўсиқ" мазмунини билдиради.

**Пишиқ гиштдан болохонадор қилиб солинган каттакон уй.. деразаларига темир панжаралар тўсилган эди.**

Ўткир Хошимов

**ГУЛХАН** — "Гулхан" сўзининг асл маъноси ҳозирги маъносидан кескин фарқ қилади. "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, "гулхан" сўзи асли "ҳаммомнинг ўт ёқиладиган ўтхонаси" деган мазмунни англатган. "Гулхан" сўзи "тупроқ", "ер" маъносини англатган "гил" сўзи билан "ўра", "чуқурлик" маъносини билдирган "хан" сўзининг бирикувидан пайдо бўлган. "Олов ёқиладиган ўра" маъноси асосида кейинчалик "кучли аланга берардиган олов" маъноси ўсиб чиққан.

Эшқобил ШУКУР  
тайёрлади.

# ОШ ТУЗИ

## ЁРЛИФИНИ ЎҚИЙСИЗМИ?

# ТЕПКИ ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

**Бахтиёр БЕГМАТОВ,**  
тиббёт фанлари номзоди,  
доцент:

— Тиббиётда «эпидемик протит» деб номланувчи бу касаллик ўткир юқумли хасталик ҳисобланиб, халқ орасида унинг «тепки», «келин тепки», «чўчка юз», «қулоқ орти дарди» деган номлари ҳам мавжуд. Касаллик қулоқ орти сўлак безининг яллиғланиши натижасида келиб чиқади ва қулоқнинг орқа қисми ҳамда жағ безларида шиш пайдо бўлади. Асосан, ёш болаларда, баъзи ҳолларда катталарда ҳам кузатилади. Касаллик бемор йўталганда ҳаводан, шунингдек, буюм ва идиш-товоклар орқали юқиши мумкин.

Касалликнинг дастлабки белгиларида қулоқ орти ва жағда шиш, оғриқ пайдо бўлади, беморнинг ҳарорати 39-40 даражагача кўтарилади, қусиш, тиришиш, гапирганда, чайнаганда оғриқ кучайиши каби ҳолатлар юзага келади. У филтрланувчи вирусларни кўзгатиш хусусиятига эга.

Эпидемик протит энгил, оғир ва ўта оғир кўринишда намоен бўлиб, унинг безли, нервли ва аралаш турлари мавжуд. Безли ва нервли турлари ўта оғир ва хавфли тур ҳисобланиб, вақтида даволанмаса, ёмон оқибатларга олиб кўрилади.

Даво чоралари кўрилса, бу хасталиқдан узоғи билан бир ҳафтада фориг бўлиш мумкин. Иримларга ишониб, эътиборсиз бўлиш оғир асоратларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, касаллик асорати натижасида орхоспилемит, бепуштлиқ, менингит каби касалликлар орттирилиши кузатилади.

Касаллик билан оғирган бемор тезда шифокор кўригидан ўтиши, кўп ҳаракат қилмасдан ётиши лозим. Бу касалликни уй шароитида ҳам даволаш мумкин. Беморга кўпроқ суюқлик ичиш, сақич чайнаш, қурут сўриш, нордон мевалардан ейиш тавсия қилинади. Без бўлган жой иссиқ мато билан боғланиб, беморга керакли дорилар берилди. Даволаниш жараёни, албатта, шифокор назорати остида бўлиши шарт.

Соҳиба СУЮНОВА  
ёзиб олди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, инсон организмида йод, темир каби микронутриентларнинг ўз меъёрида эмаслиги ақсарият хасталикларнинг ривожланишига олиб келади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда дунёнинг 40 фоиз аҳолиси камқонлик (анемия)дан азият чекар экан, шулардан 75 фоизи темир танқислиги туфайли юзага келганлиги аниқланган. Анемияга чалинган болаларда жисмоний ва ақлий ривожланишда тенгқурларидан орқада қолиш, тез-тез хасталаниш ҳолатлари учраб туриши қайд этилган.

Юртимизда инсон саломатлигини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу муҳим соҳада мустақам ҳуқуқий асослар яратилган ва улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги ҳамда «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги Қонунларининг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Йод танқислигининг олдини олиш, асосан, истеъмол қилинаётган ош тузини йодлаш орқали амалга оширилмоқда. Аввало, истеъмол учун тайёрланаётган ош тузини йодлаш билан инсон организмидаги йод моддасини зарур меъёрдан ушлаб туриш бу борадаги энг самарали ва қулай усул эканлигини айтиш жоиз. Темир моддаси танқислигининг олдини олиш бўйича эса юртимизда ишлаб чиқарилаётган унни бойитиш дастури амалга оширилаётгани катта ижобий самаралар бермоқда. Маълумки, бойитилган ундан қилинган нон ва маҳсулотлар уларни тайёрлаш жараёнида ўз хусусиятларини йўқотмайди ва шунингдек, уларнинг таъмида ҳам бирор ўзгаришлар бўлмайди.

Дарҳақиқат, ҳар йилги давлат дастурларида ушбу муҳим масала алоҳида эътиборга олиниб, бу борада мутасадди ташкилотлар томонидан кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган. Белгиланган вазифаларга мувофиқ барча савдо шохобчалари, ошхоналарда ҳам йодланган ош тузи ишлатилиши жойларда назорат қилиб борилади. Самарқанд вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан ҳам бу борада бир қатор ишлар қилинмоқда.

— Вилотимиздаги давлат санитария-эпидемиология назорати марка-

зи томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида бир қатор мониторинг ва текшириш ишлари олиб борилди, — дейди Самарқанд вилоят ДСЭНМ ташкилий-услубий бўлим мудирини Азиз Аҳоров. — Жумладан, вилоятдаги даволаш профилактика, халқ таълими муассасалари ва бошқа ташкилотлар ошхоналарида фойдаланилаётган бу турдаги маҳсулотдан жами 1803 дона йодланган ош тузи намунаси олиниб, лаборатория таҳлиллари ўтказилганда 410 та ҳолатда ёки 22,7 фоиз йодланган ош тузи

олиниб текширилганда, шулардан 11 ҳолатда темир моддаси белгиланган меъёрдан камлиги аниқланган. Вилоятда мавжуд ун маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилган мониторинг текширувларида талабга жавоб бермаслик ҳолатлари деярли аниқланмаган.

Бундай турдаги маҳсулотларнинг қалбакилаштирилишига йўл қўймаслик мақсадида кенг тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунга қарамайдан, бир қатор савдо шохобчаларида ишлаб чиқарувчисининг номи, ишлаб чиқарилган жойи ноаниқ бўлган, қалбакилаштирилган ош тузи маҳсулотини сифатини кафолатловчи ҳужжатларсиз сотиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Демак, жиддий чора-тадбирлар кўрилаётган бўлса-да, давлат рўйхатидан ўтмаган, ноконуний, яширин цехлар фаолиятига буткул чек қўйилган, дейиш қийин.

Албатта, мазкур тадбирларда қутилган натижаларга эришишда ҳам жамоатчилик назорати муҳим аҳамият касб этади. Яъни харидорлар ўзлари сотиб олаётган темир моддасига бойитилган ун ёки йодланган ош тузи учун сотувчилардан ушбу маҳсулотларнинг сифатини тасдиқловчи сертификатни талаб қилиши, йодланган ош тузининг қадоқланган, ўралган ҳамда тамгаланганлигига, сақланиши, ишлаб чиқарилган ва яроқлилик муддатларига эътибор қаратиши лозим. Мазкур қоридорлар бузилиши кузатилганда харидорлар вилоят, шаҳар ва туман ДСЭНМлариغا мурожаат қилиш орқали нафақат оиласи, балки фарзандлар саломатлигини муҳофаза қилишда ҳам ўз ҳиссасини қўшишларини алоҳида таъкидлашни истардик.

Зеро, кўпчиликнинг назари ҳам кўп нарсани кўради. Бир сўз билан айтганда, истеъмолчиларнинг бефарқ эмаслиги назорат ишларида яқиндан кўмак бериши шубҳасиз.

Гулрух МҶМИНОВА,  
«Оила ва жамият» мухбири,  
Самарқанд вилояти.



намуналарида талабга жавоб бермаслик ҳолатлари аниқланди. Шундан 396 тасида йод миқдори белгиланган меъёрдан камлиги ёки 8 та ҳолатда умуман йўқлиги, 6 ҳолатда белгиланган меъёрдан юқорилиги кузатилди. Талабга жавоб бермаган йодланган ош тузлари белгиланган тартибда истеъмолдан олиниб, қайта ишлашга юборилди. Йодланган ош тузи ишлаб чиқариш корхоналарида мониторинг текширувлари ўтказилганда, бу маҳсулотда йод миқдори белгиланган меъёрда эканлигини кўрсатди.

Фортификация қилинган маҳсулотлардан вилоятимизда биринчи навли бўғдой унининг темир моддаси билан бойитилганлигини текшириш мақсадида, жами 181 та намуна

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

### «ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.  
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.  
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.  
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.  
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).  
Тиббий массаж — 3 ой.  
Торт ва пишириқлар — 2 ой.  
Олий торт безатиш курси — 1 ой.  
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.  
Жаҳон таомлари — 2 ой.  
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.  
Тўй ва оқшом турмаклари ва макياج — 1 ой.  
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.  
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

\*Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.  
Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.  
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).  
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.  
Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка). Тўкувчилик — 3 ой.  
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.  
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.  
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.  
Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.  
Карвинг (мева ва सबзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.  
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.  
Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МУЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МУЎЛЖАЛ: Қуйлик кинийм бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

**БИР ҲОВУЧ ДУР**  
Бу дунё ва унинг мол-мулкига кўнгиш қўймагин. Чунки ҳеч бир киши ундан вафо кўрмаган.

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**  
Ҳурматли  
Лобархон ШОКИРОВА!  
Сизни таваллуд айёмингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Умрингиз узок, ҳаётингиз фаровон бўлсин. Фарзандлар, неваралар роҳатини кўриб юриш насиб этсин.

Нигорахон, Холидахон

Эсон амаким мард, кўнгли очик инсон эди. Дадам иккови бир этак фарзанддан тилаб-тилаб омон қолганлари экан. Ўзи болажон, кишлогимиздаги катта-ю кичик унга туғишганидай якин, қай хонадонга борса, ўз уйидек аралашиб кетаверганидан бировга ака, бировга ука тутиниб кетганди.

Тўрт фарзанди ичидаги ёлғиз ўғлига суннат тўй бошлаганида ҳам бутун маҳалла эшқуш бўлди. Ниҳоят, ҳовличиннидек саранжом, ўчоқлар қавланиб бўлиб, эртага тўй деган кун ҳам келди. Кеч оқшом жўралари билан сўрида чакчақлашиб, майда-чуйданинг ҳисобини қилиб ўтиришганда кимдир луқма ташлади:

— Адирдаги боғдан шириндона анор ҳам келтириб қўймабсан-да, Эсон?!

Хушнуд ўтирганлар бу гапдан шу лаҳзада бироз мулзам тортгандай бўлишди. Шунча немъат турганда, адирдаги анор қаёқдан эсига кела қолди. Амаким ҳам бўш келмади:

— Эрталаб боққа тушиб келаман, — деди шартта.

Тонгда мотоциклига ўтириб, эманнинг хай-хайлашига қарамай жўнаб кетди. Карнай-сурнай садолари янграган ўша тонгни эсласам, ҳали-хануз юрагим титраб кетади. Хатна бошланди ҳамки, амакимдан дарак йўқ.

— Юрагим қинидан чиқиб кетай деганти, Умар, — зорланди энам дадамга. — Бунинг мунча кеч қолди? Бир кўчага чиқиб суриштиргин, болам.

Эманнинг гапи тугаб-тугамай, соз садолари бирдан тинди-ю, ташвишли ғала-ғовур кўтарилди. Биз катталарнинг оёғи остида туртиниб-суртиниб чиққаннимизда уч-тўрт нафарча оқ халатли кишиларни одамлар ўраб олганди. Шу пайт ҳовлини эманнинг фарёди тутиб кетди. Боғдан қайтиш йўлидаги бурилишда улови юк машинаси билан тўқнашган амаким, ўша жойининг ўзида жон берибди...

...Азага айланган тўйдан бир неча

## АНОРГА КЕТГАН АМАКИМ...



кун ўтиб, бироз ўзимизга келгандан кейингина ҳалокатнинг сабабчиси ҳақида сўз очилди.

— “Зарбдор” лик экан, танимайсизлар, — деди дадам гапни доимгидек қисқа қилиб.

— Ўзи омонми? — сўради онам.

— Сал-пал шикастланибди.

— Бало ҳам урмабди-да, — зарда билан аралашди акам. — Суд қачон энди?

— Буни бизга дахли йўқ!

Ҳаммамиз бир-биримизга қараб қолдик. Дадамга эътироз билдиришга акамнинггина журъати етди:

— Нега? Индамай қўверамизми?

— Ҳимм, индасак, Эсон қайтиб келармиди? — деди дадам қатъий оҳанг-да.

Кейин бироз ётиги билан тушунтиргандай:

### Буну ҳаёт дейдилар

— Жўжабирдай жон экан. Шундоғам надомат чекиб, адо бўлаёпти, — деди.

Акам ҳаяжондан бир кўзғалиб олди:

— Битта одам ўлиб кетса-ю...

Дадам унга ялт этиб қаради:

— Мен кечирдим. Сизлар ҳам кечирасизлар. Гап тамом!

Дадамнинг шу сўзлари бу гапга нуқта қўйди. Лекин ҳар биримизнинг юрагимизда адоват тошдек қотганди. Ахир ўша одам амакимга қўшиб ҳаётимиздаги энг ширин дамларни олиб қўйганди. Келинойимни уйдагилар кўярда-қўймай болалари билан она-синикига кўчириб кетишди, қадрдон ҳовли сотилиб, жигаргўшалар айрилишдик.

Орадан йиллар ўтди, аввал энам, кейин дадам ҳам дунёдан ўтиб кетишди. Яқинда эса...

Ўша куни ёмғир беармон ёғди. Кечга бориб шаррос қўйиб, ҳаммамиз айвондаги сўрига йилгилиб олдик. Сўбатга берилиб, дарвозадан биров кириб келганини ҳам сезмабмиз. Маҳалладошимиз Гиёс тоғани кўрганда эса хангу манг бўлиб қолдик. Шу пайтгача унинг ичганини на кўрган, на эшитгандик, ҳозир эса оёғида зўрга турарди. Саломга алик олмай, остонада чайқалиб тўхтади-да, елкалари силтаниб йиғлаб юборди.

— Ҳеч нарсани билмайсизлар-а? Мен эса шунча йилдан бери азобдаман, эзилиб кетдим, тўйдим!

Биз ҳамон лол, у эса кўксига мушталашга тушди:

— Мана бу еримга сигмай қолди дардим, юрагим қон бўлиб кетди! Оталарининг яхшилигига арзиримдим ўзи? Бугун яна тушимга кирди... Эсон иккови. “Эсон ҳам кечирди сизни, ана қаранг”, дейди. Баттар эзилдим. Ха, мени қувинглар, уринглар. Эсонни мен ноубуд қилганман!

Бошимиз устида чақмоқ чақнагандек бўлди. Демак... ўша, амакимнинг умрига зомин бўлган одам “Зарбдор”-лик эмас, ҳамқишлоғимиз экан-ку!

— Отанг мени аяди, бағрикенглик қилди, аслида, мен айбдор эдим, — ёмғир аралаш кўз ёшларини беҳуда артарди у. — Лекин бу гуноҳни кўтариб юриш осон бўлмади, мени кечиринглар, кечиринглар! Бошқа ҳолим қолмади...

Гиёс тоға кетди. Орқасидан сўзсиз қараб қолдик. Шу тобда ҳаммамизнинг диллимиздан бир ўй кечаётган, борлиқни аямай савалаётган ёмғир кўнгидаги эски гардни астойдил ювар эди...

Гулчеҳра АСРОНОВА

### Бу қизиқ!

## Қаҳва бола вазнини камайтиради

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабар беришича, ҳомиладор аёлларнинг кунига икки чашкадан ортиқ қаҳва ичиши ўзлари билан биргаликда ҳомила саломатлигига ҳам салбий таъсир кўрсатаркан. Рухсат этилган икки чашка қаҳва эса қуюқ ва ўткир таъмли бўлмаслиги керак. Тадқиқотлар натижасига кўра, бир кунда қабул қилинган 100 мг. кофеин янги туғилган чақалоқ вазнини 21-28 граммгача камайтириши мумкин. Фарзандим соғсаломат дунёга келиб, полвон бўлиб улғайсин, десангиз, азиз онажонлар, сеvimли ичимлигингиздан вақтинча воз кечишингизга тўғри келади.



## Вегетарианча парҳез — буйрак хасталигига даво

Мутахассисларнинг айтишича, суррункали буйрак етишмовчилиги қонда токсинлар тўпланишига сабаб бўлади. Янги изланишлар шуни кўрсатдики, ўсимликлардан тайёрланган овқатлар буйрак хасталиги натижасида танада пайдо бўлган токсинлар миқдорини кескин қисқартириб, касаллик даражасини анча енгиллаштирилади ва беморни бевақт ўлимдан сақлаб қолади. Қаранг-а, қанчалик мазаги бўлмасин, гўшти ва ёғли таомлардан кўра, сабзавотлардан тайёрланган вегетарианча овқатлар кўпроқ фойда келтирар экан.

## Умрни узайтириш қоидалари

Рус олимлари инсон умрини узайтирувчи 10 та энг муҳим қоидаларни эълон қилишди. Улар қуйидагилардан иборат:

\* Ҳар замонда мияни чалғитувчи машғулотлар билан шуғулланиб туринг.

\* Помидор ва нон маҳсулотлари истеъмол қилинг — булар саратон хасталигининг олдини олади.

\* Оила қуриг. Ёлғизликда умр кечирганлардан кўра, оилали кишилар кўпроқ умр кўради.

\* Будильникдан фойдаланинг. У сизни керакли вақтда зарур ишларингизга улгуришингизга ёрдам беради.

\* Бегона мулоҳазаларга эътибор берманг. Бўлар-бўлмас фикрлар сизни стрессга солиб қўйиши мумкин.

\* Уй ҳайвонларига вақт ажратинг. Бу машғулотдан ҳам чексиз ҳаётий қувват оласиз.

\* Шоколад истеъмол қилинг — унда ёшлик гормони серотонин мавжуд.

\* Қийин вазиятларда ҳаммаси ортда қолишига ишонинг. Ишонч кишини ҳаётга қизқишини оширади.

\* Тил ўрганиш ва мумтоз мусиқалар тинглаш ҳам мия ёшлигини сақлар экан.

\* Қуёш билан дўстлашинг. Ёруғлик кайфиятни кўтаради.

Ана шу қоидаларга амал қилган кишиларнинг умри узайиши шубҳасиз.

“АиФ” маълумотлари асосида  
ЗАРИНА тайёрлади.

## “ТИШЛАБКИ СОЧИНГ ЎРДУНГ...”

Кўпчилик севиб томоша қиладиган мини кўриб, нафақат Шарк, балки Фарб халқлари ҳам бир пайтлар кизларнинг узун сочларига гўзаллик тимсоли деб қараганини англаймиз. Фильмда маликанинг қалин ва узун сочи кенгроқ тасвирда намоён бўлиши томошабиннинг диққатини тортади. Албатта, бу тасвир фарблик мухлисларнинг ҳам эътиборидан четда қолмаслигини режиссёр яхши иллаган.

Соч ҳусн, дейдилар. Гўзалликни куйлаган куйчи борки, унинг таърифиди сўз айтади.

Бир даврада ёш мухлис ҳазрат Навоий газалларидан бирини ўқиди.

“Тишлабки сочинг ўрдунг, очқанда паришон қил”, деган мисра айтилганда ёнимда ўтирган суҳбатдошим бироз ажаблангандай бўлди:

— Матни кўчираётганда адашган, шекилли, “ташлабки” бўлса керак.



— Йўқ, тишлаб ўради, — дедим мен.

— Қандай қилиб? — сўради у.

...Шу тобда болалигим, узун супада сочларини ўриб ўтирган кекса бувим беихтиёр кўз олдима келди. Бувим сочини бир билак бўйи ўргач, ўримнинг шу жойини тишлаб, сочининг қолган қисмини ўрарди.

— Сочингиз мунча узун? — дердим ҳавас билан.

— Соч қолибдими, болам. Келинлигимда уч тишладан ортарди.

...Шарк гўзалларининг хусну тароватидан улғу бобомиз байтига кўчган бу ажиб маъни дилингни завққа чулғайди.

— Қаранг-а, қандай гўзал маъни, тушунмай бундан бабахра қолиб бўладими?! — деди суҳбатдошим.

Болалик тасаввурлари яна жонланиб, хаёлан байтни такрорлайман:

Тишлабки сочинг ўрдунг, очқанда паришон қил,

Офоқ саводинда жон ройиҳасин бутрот.

Дилором ҚҶЗИЕВА

### Тасаввур



### СЕВГИЛИМГА 100 КИЛО ПУЛ...

Хитойлик ошиқ йигитлардан бири ўз севгилисига 100 килодан ошиқ пуллар тахламини совға қилди. Унинг таъкидлашча, саккиз рақами бахтли ва хосиятли экан. Шу боис ошиқ йигит нақд 8,88 миллион юан (тахминан бир ярим миллион доллар) пулни ўз ёрига туҳфа этди.

Шунча оғирликдаги пулларни қизнинг уйига бамбукдан ясалган сават ва кутиларни ортиб саф тортган машиналарда олиб келишди. Пуллар ушбу машиналарнинг бирида, сават ва кутилар орасида эди. Машиналар сафини спорт русумидаги "Maserati" автомобили бошқариб борарди.



Куёвнинг совғасини келинпошша қай тарзда қабул қилгани ҳақида маълумотлар йўқ, аммо шуниси маълумки, бу ошиқ маъшуклар Чжэнцзян қишлоғидаги энг бадавлат оилаларнинг вакиллари эди.

Хитой шарқдаги мазкур бойлар қишлоғида қимматбаҳо тўй совғаларини ҳаёда этиш кенг тарқалган. Балки бу яхшиликкадир, аммо интернет ижтимоий тармоқларнинг фойдаланувчилари томонидан бу аъёна ортикча исрофгарчилик сифатида қаттиқ танқид қилинди. Танқидчилардан бир хитойлик бойваччининг бу ишини қоралаб шундай ёзди: "Агар улар бир-бирларини севишса, бу каби саховатга не ҳожат? Ахир, муҳаббат бойлик билан қадрланмайдими!"

### ЖОНЛИ РАСМЛАР

Интерактив санъат ишқибозлари шу кунларда имкон топиб Хитойнинг Тяньцзин шаҳрига йўл олишмоқда. Шэньян санъат галереясининг янги кўргазмасида 50 дан ортиқ уч ўлчамли тасвирий санъат намуналари намойиш этилмоқда. Хартумидан сув пуркаб турган фил ёнига бориб, ҳозир менга қараб сув сепаб қолса-я, деб ҳадиқсирашингиз тайин. Ёки оғзини катта очиб турган улкан динозаврга "нонушта" бўлиб қолишдан чўчийсиз.

Бу каби санъат усталари дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам кўплаб топилади. Масалан, сурьялик 22 ёшли расмом йигит оддий қаламда гайриоддий суратларни яратди. У университетнинг меъморчилик факультетида таҳсил олади, дарслар оралигида, яъни танаффусларда эрмак учун 3 D ўлчамли расмлар чиқиш билан машғул бўлади. У фақат қаламлар ва қоғоздан фойдаланади. Бу каби расмларнинг биттасини чиқишга йигитча саккиз соат вақт сарфлайди.

**Наргиза СИДДИҚОВА**  
тайёрлади.

### ШОШҚАЛОҚЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

Кенжа қизим Нурчехра касб-хунар коллежини тугатмасиданоқ турмушга узатдик. Унинг олий ўқув юртига кириб ўқиш нияти бор эди. Аммо топармон-тутармон куёв болани қўлдан чиқаришни истамадим. Бир амаллаб дадасини ҳам кўндирдим. Қариндошуруғлардан қарз бўлсак ҳам, мебелларнинг энг сифатлисидан сотиб олдик. Афсуски, бойвачча куёвимиз олти ой деганда бошқа аёлга илакишиб, кизимга умуман кун бермай қўйди. Устига-устак, ҳомиладор бўлмаётгани учун қайнонаси ҳам сиздирмади. Уни гинеколог кўригидан ўтказдик. Ташхис натижалари қизимнинг физиологик жиҳатдан фарзанд кўришига тайёр эмаслигини кўрсатди. "Вақт ўтиши билан ҳаммаси яхши бўлади", деди шифокорлар. Аммо куёвим билан аёл қудам унга барибир тинчлик беришмади. Уч йил деганда қизим сеплари билан уйга қайтиб келди. Аммо биз уни хар томонлама қўллаб-қувватлаганимиз туфайли омади чопиб, институтга ўқишга кирди. Яқинда эса магистратурани ҳам тугатди. Нурчехрамнинг ёши 28 да. 35 ёшгача, Тошкент шаҳрида яшовчи олий маълумотли йигит бўлса, узатиш ниятидамиз.

**МУБИНА опа,**  
Тошкент шаҳри.

### ЭНДИ

### АЛДАНМАЙМИЗ

Аёлим оламдан ўзгач, ёлғиз қизимни турмушга узатиш ташвиши менинг зиммада қолди. Бундан уч ой илгари таҳририятга келиб, "Бахтли бўлинг" рукнига қизимнинг ҳужжатларини топшириб кетгандим. Кўп ўтмай Тошкент вилоятида яшовчи Са-

мандар исмли йигитдан кўнғироқ бўлди. Қизим касби ҳақида сўраганида, тажрибали устаман деган экан. Афсуски, у ёлғон гапирибди. У ҳеч қаерда ишламас, гоҳ-гоҳида одамларнинг буюртмасига асосан, махсус аппарати ёрдамида дарахт кесиб келаркан. Бошқа вақтларда кекса отонасининг нафақа пулига кўз тикиб

ли мижозлари бор. Фақатгина камгап, камсукум. Шу сабабли халигача бирорта қизнинг кўнғилига йўл топа олгани йўқ. 35 ёшгача бўлган эпчил, удабурун келин топилса, укамни уйлантирардик.

**ЗУЛАЙХО опа,**  
Тошкент вилояти.



### Бахтли бўлинг

Қизим бу гапдан хабар топгач, унга турмушга чиқишдан воз кечди. Яна сизларга мурожаат қилаяпман. Қизим Гулҳиданинг ёши 29 да. Хусусий фирмада тикувчи бўлиб ишлайди. 40 ёшгача бўлган уй-жойи, касб-кори тайин йигит билан оила қуришни истади.

**ЖОНТЕМИР,**  
Жиззах вилояти.

### БИЗЛАРНИ ЎЙЛАБДИ-Ю...

Укам Сирожнинг ёши 45 да. Тақдир тақозоси туфайли уйланмаган. Тўнгич ўғил бўлгани сабабли рўзгор ташвишлари унинг зиммасида эди. Бир неча йил хорихда ишлаб келди. Ўзи бош бўлиб, иккита синглимни ўқитиб, турмушга узатди. Энди унинг ўзи ҳам уйланса, кўнглимиз хотиржам бўларди. У қўли гул уста. Ўзига етар-

### Табиат — дорихона

### ГУЛИ ИФОРЛИ, МЕВАСИ ШИФОЛИ

Баҳор ойларида ўзининг сап-сарик гуллари билан оламни ифориға бурқовчи жийда кузда қип-қизил ва тўқ-сарик меваларидан бизни бахраманд этади. У қадимдан нон ўрнини босувчи неъмат сифатида қадрлаб келинган. Таркибида инсон саломатлиги учун энг зарур бўлган 55-65% қанд, 11-12% оқсиллар, кислоталар, шунингдек, калий, мия фаолиятини яхшиловчи фосфорли тузлар, асабни тинчлантирувчи, иштаҳани очувчи, бўшашиш, бош оғригининг олдини олувчи, кўз тинишини тикловчи В, ва В<sub>2</sub> витаминлари, кўз деворларини мустаҳкамловчи РР витамини ва ниҳоят ёшлик дармондориси деб аталган Е витаминининг мавжудлиги жийданинг гоёт шифобахшлигидан дарак беради. Бундан ташқари, унинг таркиби эфир мойи, органик кислоталар, алкалоидларга бой.



Ушбу мевадан олинган псиатин препараты тиббиётда меъда-ичак хасталикларида, оғиз бўшлиғи яллиғланганда чайиш учун тавсия этилади. Дарахт танасидан олинган елим эса фармацевтика амалиётида эмульгатор ўрнида ишлатилади.

Ибн Сино жийданинг меваси ва унинг дамламасидан ич кетиш, юқори нафас йўллари шамоллаши, ошқозон-ичак касалликларини даволашда фойдаланган.

Камқон, бўйи ўсмаган болаларга — туз-сув мутаносиблигини сақлаш, уларнинг фикрлаш қобилиятини шакллантириш ҳамда ўстиришда жийда қимматбаҳо доривор экани аниқланган.

Жийданинг унини туйиб, бугўдой унига 10 фоз микдорда аралаштириб булочка, тандир нонлари ва шунга ўхшаш нон маҳсулотлари пишириб истеъмол қилинса, ўнлаб касалликларнинг олдини олиш мумкин экан.

Ундан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир ярим литр сув қуйилади. Устига 50 гр. мева солиб, бироз қайнатилади. Ушбу дамлама бир соат давомда дамлаб қўйилади ва докада сузилади. Юқорида келтирилган касалликларга даво бўлиши учун кунига овқатдан кейин 2-4 маҳал икки ош қошиқдан ичилади.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА** тайёрлади.

### ҲОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

Санчки ва пичоқларни кесилган пиёз билан тез-тез артиб турсангиз, зангламайди.



Ловияли шўрва тайёрлаганда бошқа кўкатлар ўрнига ялпиздан фойдалансангиз, у янада маза-ли чиқади.

Катта ва йирик тошли узукларни фақат ўзинигина нозик ҳамда узун бармоқларга тақиш тавсия этилади.



Лат еган, моматалоқ ва куйганда ўша жойга тузли компресс боссангиз, терини тезроқ тиклайди. Бунинг учун ярим литр сувга 50 гр. ош тузи керак бўлади.

Мутахассислар узоқ умр кўриш учун ёғли таом ҳамда ширинликларни камроқ истеъмол қилишни тавсия этишмоқда.

Музлатилган сабзавотларни музи эримай туриб қайнаган сувга солаверинг. Чунки музи секин эриса, витаминлари парчаланиб кетиши мумкин.

Сақланадиган сутга бир чимдим туз қўшиб юборсангиз, узоқ вақт ачимай туради.

**Гулноза БОБОЕВА** тайёрлади.

Кўшни келин кўзида ёш билан бизникига чиқиб, қайнонаси кун бермаётгани, эри ҳам қаттиқ хафа қилаётгани, икки норасида гўдагини кўзи қиймаётгани, аксинча, оиладан воз кечिश ҳам тайёрлигини айтиш. Унга ҳозирча сабр қилиб туришни тайинладим. Қайнонаси, қайнотаси билан суҳбатлашдим. Оилавий низо оддий нарсдан — идиш-товоқ вақтида

тинчлик улашмоғи керак экан...

Шу кунларда юртимизда тўйлар авж олган. Кимдир уйланапти, кимдир турмушга чиқаяпти. Ҳаммани шундай тўйларга етказсин. Аммо тўй бошлаган хонадон соҳибларининг кўнглиларида ҳаловат йўқлиги кишини ўйлантиради. Эр-хотин уришган, жиққамушт, кимдир кимдандир аразлаган. Ҳали тўйхона танланади, ҳали тўйда



## Ойна

ўтказишган экан. «Агар ҳозирги ақлим ўша пайтда бўлганида бунчалик ҳашаматли тўй қилишга розилик бермасдим. Шу кунларда қарзимизни узамиз деб, ҳатто еб-ичишимизнинг ҳам тайини йўқ», дейди келинчак йиғламсираб.

Биз сабр ва шўқр илмини ёшларга ўргатишни унутиб қўйдик, чамаси. Эртадан кечгача югур-югур, пул топ, анавини ол, манавини қур, бўл тез, каби ҳаракатлардан қанча-қанча одам юрак хуружи, асаб касаллиги, борингки, ҳаётдан қониқмаслик балосига мубтало бўлишган. Энди на танда ва на кўнгилда ҳаловат бор. Чиройли, икки-уч қаватли қошоналарга ҳам сигаямиз. Хориж машиналари, жиҳозлари юракка хотиржамлик ато этишдан ожиз. Бунинг устига, бу каби «эҳтиёж»ларни қондириш учун топаётган пулимизни, еяётган луқмамизни ҳалол-ҳаромлигини ўйламаймиз. Бу хатолар ёшлар кўз ўнгиде содир бўлаётгани айни фожиа. Уларнинг назарида, мўл-қўлчилик ўз-ўзидан бўлаверади, илмли ва ҳунарманд бўлиш шарт эмас, ким бой бўлса, ўша бахтли деган хато тушунча шаклланимда. Мана шунинг учун ҳам бугун фарзандларимизга яхшилик улашиб яшашни ўргатишимиз керак. Шунда улар оилаларда бахт шарбатини тойти, илму урфонда, ҳунар-маҳоратда янги марраларни эгаллаб борадилар.

Зеро, кўнги ҳаловати кўнги ободлигини ҳосил қилиб, юрт фаровонлиги, турмуш ободлигига замин яратди. Буни эса унутишга асло ҳақимиз йўқ.

**Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ,**  
Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур  
тиббиёт коллежи ўқитувчиси.

## КўНГИЛ ҲАЛОВАТИ



ювилмаслиги ва келиннинг кеч туришидан бошланган. Қайнонага ёшлигида ўзи ҳам қийналганини, ёш болалик келинга бироз меҳр кўрсатилса, идишлар алалоқибат ювилмай қолмаслигини тушунтирдим. Куёв болага ҳам энди у бир уйнинг устуни эканини, бундай вазиятларда оқилона йўл тутиши зарурлигини айтиб, насиҳат қилдим. Гапларим нишонга теги, шекилли, оила тинчиди. Хонадоннинг жажжи болалари эса боғчадан қайтишга танда «бобоҳон» деб ёнимга югуриб келишди. Айтинг-чи, бундан ортиқ бахт борми? Демак, одам ўзи ҳаловат топиши учун ўзгаларга

дастурхонга тортиладиган таомлар муҳокама қилинади, ҳали келин ва куёвини қандай ясантириш ҳақида бақариб-чақариб баҳслашишди.

Лекин ёшларнинг ўзи янги оилани барпо қилишга тайёрми, йўқми, бу ҳақда ҳеч ким ўйламайди. Чиройли тўйхоналарда мусиқалар тингач, меҳмонлар уйларига тарқаган, мухташам, сержиҳоз хоналарда ёлғиз қолган ёшлар ҳаловат топишяптими?

Билмадимов...

Бир оилани биламан. Тўйдан сўнг келин-куёвнинг юзида сира табассум кўрмадим. Маълум бўлишича, катта микдорда қарз эвазига тўй базмини

қарор қабул қилинади, бу қарорда вакиллар исми, фамилияси тўлиқ кўрсатилиши шарт. Фуқаролар йигини сайловиға яқин қолганда сайланган вакилларга мандатлар тарқатилади, бу жараён ҳам бевосита ишчи гуруҳи вазифасига кирди.

Номзодлар ҳақида ишчи гуруҳи томонидан тузилган маълумотлар ўқиб эшиттирилади ва улар ҳокимият билан келишилганини маълум қилади. Йигилишда номзодларни рўйхатга киритишга сайловчиларга таклиф берилди ва қарор очик овоз билан қабул қилинади. Номзодларнинг ҳар бири ёппик ёки очик овоз бериш орқали сайланади. Овозга қўйиш альянтив бўйича амалга оширилади. Раисликка 50 фоиздан ортиқ овоз олган номзод сайланади. Унинг таклифига биноан, маслаҳатчилар ва котиб сайланади, бунда раиснинг розилиги билан эски таркиб қолдирилиши ҳам мумкин. Шунингдек, мажлис иштирокчилари уч кишидан иборат тафтиш комиссиясини ҳам сайлайди. Шундан кейин ишчи гуруҳининг ваколоти тугайди.

**Саволя тарих фанлари номзоди  
Содиқ МҮМИНОВ жавоб берди.**

## САЙЛОВ:

### ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ ВАКОЛАТИ

Маҳаллаларимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари кизгин давом этмоқда. Бу жараённи ташкил этишда фаолият олиб бораётган ишчи гуруҳининг ваколлатлари ҳақида маълумот берсангиз.

**Ф. ФАЗЛИДДИНОВ,**  
Бухоро вилояти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловиға тайёргарлик кўриш ҳақида уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида фуқаролар йиғинлари раислигига ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор шахсларни танлаб сайлаш лозимлиги уқтириб ўтилган.

Сайловлар жараёнида маҳаллада яшаётган ҳолис шахслардан сайланган ишчи гуруҳининг роли катта. Белгиланган қоидаларга мувофиқ ишчи гуруҳ таркибига маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари киритилмайди. Ишчи гуруҳи уч ёки беш кишидан иборат бўлиб, улар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни тартибли ўтказиш кампаниясида фаол иштирок этади. Гуруҳ томонидан сайловди анкеталари тузилиб, сайловчиларга тарқа-

тиш мақсадга мувофиқ. Анкетада номзодлар ҳақидаги фикрларни тўплаб таҳлил қилиш кўп нарсаларга ойдинлик киритади, ундан номзодлар ҳақидаги маълумотлар йиғилади ва туман комиссиясига тақдим этилади.

Маълумки, маҳаллаларда беш-олти минг нафар аҳоли яшайди, умумий мажлисда уларнинг ҳаммасини таклиф қилиб бўлмайди. Шунинг учун, ишчи гуруҳи кўча ва кўп қаватли уй бошлиқлари билан келишиб, ҳар бир кўча ва кўп қаватли уйда яшаётган аҳоли сонига қараб 5-10 тадан вакил сайланади. Вакилларни сайлаш фақат ишчи гуруҳининг вазифаси, бу жараёнга амалдаги оқсоқол, маслаҳатчи, сардор, котибга аралашуви мумкин эмас. Бунда ишчи гуруҳи кўча, кўп қаватли уй бошлиқлари билан биргаликда вакиллар сайловини ташкил этади. Ҳар бир кўча ва кўп қаватли уй аҳолиси билан йиғилиш ўтказилиб,

**Муассислар:** Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



**Беш муҳаррир:**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — **Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА**  
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**  
Мусаҳҳиҳлар — **Самдғани САЙДАЛИМОВ,**  
**Гулноза БОБОЕВА**

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07 йилда рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1128. Формати А3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 6461. Баҳоси келишилган нарҳда.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20  
Котибият: 234-76-08  
Мухбирлар: 233-04-50  
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 4 5